

O'zbekiston OVOZI


Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi



ВИДЕОСЕЛЕКТОР
ТАФСИЛОТЛАРИ:

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ
СОҲАСИ ЯНГИ
БОСҚИЧГА
КЎТАРИЛМОҚДА

3 САҲИФА



ЖАҲОН БАНКИ
ЯНГЛИШГАН
БЎЛСИН-ДА...

4 САҲИФА



ПЕТЕРБУРГДАГИ
НАВОИЙХОНЛИК
ҚАНДАЙ ЎТДИ?

5 САҲИФА



ҚЎҒИРЧОҚ СУЯК, СОЧ ТОЛАСИ,
ҚУРБАҚА ТЕРИСИ, АРАБИЙ ЁЗУВ
ВА ЗАНЖИРЛАНГАН ҚУЛФ –
ЎН МИНГ ДОЛЛАР?!

7 САҲИФА

ПАРЛАМЕНТ МАЖЛИСЛАРИ ЖОНЛИ НАМОЙИШ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган ялпи мажлиси "Uzreport", "Ўзбекистон" телеканаллари ва қуйи палатанинг фейсбукдаги саҳифасида тўғридан тўғри намоиш этилди.

Бундай амалиёт МТРК ва жорий парламент учун янгилик бўлгани туфайли ишни йўлга қўйишда муайян хатолар бўлган эди. Хусусан, "Uzreport" телеканали парламент мажлисидан жонли эфирни бокс бўйича миллий терма жамоа ўйини бошлангани муносабати билан тўхтатгани жамоатчилик эътиборига тушди.

Маълум бўлишича, парламент ахборот маркази бу воқеадан хулоса қилган ҳолда, жараёнга масъул бўлган ташкилотчиларни қатъийн огоҳлантирган.



ОБУНА — 2022

Энди «Ўзбекистон овози»
газетасига

CLICK ВА Payme

иловалари орқали
обуна бўлишингиз
мумкин.

Нашр
кўрсаткичи —
220.

Боғланиш учун
телефонлар:

(71) 276-20-67, (71) 276-10-91.



15-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№50 (32692)ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ – ИНСОНПАРВАР
ДАВЛАТ ДЕМАКДИР

Улуғбек ИНОЯТОВ,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши раиси,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги партия
фракцияси раҳбари:

— Конституциямизда белгиланган юксак умуминсоний ва демократик қадриятлар халқимиз қалбидан тобора мустаҳкам жой олмоқда. Бу "Инсон қадри учун", деган устувор тамойилни рўйбга чиқаришда пойдевор вазифасини бажармоқда. Ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими яратиш бериш ҳаётий мақсадга айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция кўни билан халқимизга йўллаган табригида ҳам Асосий қонунимиз эришилган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётгани, халқимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, кенг қўламли ислохотлар, ўзгаришларнинг таянчи бўлиб келаётгани ёдга олинди.

Ўтган даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва очкилик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Одамларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданият ошди.

Шунинг баробарида Ўзбекистон Конституциясини таҳрир қилиш зарурати ҳақида кенг қамровли ташаббуслар илгари сурилди. Улардан бири "Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат" деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлаш ғоясидир. Айни ғоя партияимизнинг сиёсий мақсадлари ҳаётимизда ўз аксини топаётганлигини кўрсатади. Чунончи, охириги сайловларда биз мамлакатимизда ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат ва халқ демократияси мезонларига мос келаётган давлат ва жамият барпо этиш ғоясини ўз дастуриимизда илгари сурганимиз.

Ижтимоий давлат деганда, ижтимоий соҳага устуворлик қаратиладиган, фуқароларнинг тенглиги, уларнинг турли табақаларга ажралишига йўл қўймайдиган, умумфаровонлик таъминланган жамият тушунилади. Айрим ривожланган Европа мамлакатларида давлатнинг ижтимоий мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланган. Масалан, Германия Конституциясида унинг ижтимоий давлат эканлиги белгиланган.

Бизда мамлакатимизнинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми Асосий қонунда кўрсатилмаган эди. Аммо ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган сиёсат ижтимоий давлатнинг туб замини яратилганидан далолат беради. Давлат бюджети

маблағларининг эллик фоиздан ортиги ижтимоий соҳаларга йўналтирилаётганининг ўзи ҳам буни яққол исботлайди.

Фикримизча, бундан кейин ҳам ижтимоий соҳа, айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш соҳасига эътиборни янада кучайтиради. Конституциямизга "Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат" тамойилининг муҳрлиниши Ўзбекистонимизни эркинлик, имкониятлар тенглиги, ижтимоий адолат, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият принциплари ҳукмронлик қилаётган, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз таъминланган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган ва барча аҳоли қатлами учун муносиб ҳаёт шароити яратилган ижтимоий давлат сифатида ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши йўлида хизмат қилади.

Конституциямизда ўз ифодасини толган ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат принципини амалда таъминлаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Биринчидан, камбағалликни икки баробар қисқартириш мақсад қилиб олинди. Камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилди. Бу ҳақда гап кетганда, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"ни, уларга киритилган фуқаролар билан тизимли ишлаш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Энг муҳими, одамларда эркин меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳисобидан камбағалликдан чиқиш тажрибаси ва кўникмаси шаклланди.

Иккинчидан, Асосий қонунимизда кафолатланган кучли ижти-

моий ҳимояни таъминлаш бўйича ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини амалга оширишда барча имкониятлар ишга солинаётди. Хусусан, эҳтиёжманд аҳолига яқка тартибдаги уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун субсидиялар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Учинчидан, ўткир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва яқка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу – олдинги беш йилга нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди, дегандир.

Келгусида ҳудудларда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган "Янги Ўзбекистон" массивларининг бунёд этилиши, "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дастурлари изчил давом эттирилиши белгиланаяптики, бу электоратимиз асосини ташкил этадиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногирон фарзандларни тарбиялаётган ота-оналар, оғир ижтимоий аҳволга тушган аёлларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш ишига хизмат қилади. Бу каби савобли амаллар, албатта, халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Тўртинчидан, нурунийларимиз, хотин-қизларимиз, ёшларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, хонадон ва маҳаллаларимизда, ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган кўпмиллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш масалалари ҳам Конституциямиздаги устувор вазифалардан ҳисобланади.

Бешинчидан, ўзини ўзи банд

қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди. Деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.

Олтинчидан, ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробарга оширилиб, 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 65 фоизга етди. Боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди. Олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди. Эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари олий ўқув юртиларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинди. Бу ҳам Конституция халқимизнинг барча ҳуқуқларини таъминлаётганлигининг ифодаси.

Юқоридагилардан маълум бўлганича, Ўзбекистон шиддат билан ўзгармоқда, янгиланмоқда. Одамларнинг кўз ўнгига янги Ўзбекистон бўй кўрсатмоқда. Янги Ўзбекистонда фаоллик, яратувчанлик руҳида яшаш ҳар бир инсон учун ҳаёт тақозаси, ижтимоий заруратга айланмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Асосий қонунимизга киритиладиган таҳририй ўзгаришлар юртимизда ижтимоий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам кафолат бўлиб хизмат қилади.

ЖИЗЗАХЛИК ДЕПУТАТЛАР,
ПАРТИЯДОШЛАР ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ

**ЎзХДП ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ
КЕНГАШИ ТАРКИБИДАГИ
431 ТА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ
ТАШКИЛОТИ ЎЗ САФЛАРИГА
17600 ДАН ОРТИҚ МАСЛАҚДОШ-
ЛАРИМИЗНИ БИРЛАШТИРГАН.
УЛАРНИНГ 5360 ДАН
КЎПРОҒИНИ ЁШЛАР ТАШКИЛ
ҚИЛАДИ.**



Нуриддин ХОЛМАТОВ,
ЎзХДП Жиззах вилоят
кенгаши раиси:

— Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 11 нафар, туман (шаҳар) Кенгашида 92 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан жорий йилнинг ўтган вақти давомида 395 та депутатлик сўровлари чиқарилиб, уларнинг 330 дан ортиги ижобий ечим топди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоларининг 31,2 фоизини аёллар ташкил этади. Аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга ечим топиш, депутатлик эшитувлари ўтказиш ва бошқа тадбирларда маслақдош аёллар алоҳида фаоллиги билан ажралиб турибди. Мисол учун, "Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганишда депутатлар иштироки" лойиҳасида 5-7 нафар фаол депутатдан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар муаммолари ўрганилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Аҳолининг кенг қатламлари орасига чуқур кириб бориш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда кўйи бўйидаги ишларга кўмаклашиш мақсадида, лойиҳа ҳар ойда, ҳар бир тумандан 1 та маҳаллада амалга оширилмоқда. Касб-хунар эгаллаш истагида бўлган 70 га яқин хотин-қиз "Хотин-қизлар



тадбиркорлик маркази" мутахассислари кўмагида касбга ўқитилди ва тадбиркорлар, ҳунармандларга шогирдликка бириктирилди. "Аёллар дафтари"га киритилган фаллоорлик Мадина Тўйчибоева ЎзХДП ёрдами билан 15 млн сўм кредит олиб ўз фаолиятини ривожлантирмоқда.

"Депутат маҳаллада" лойиҳаси доирасида вилоятимиздаги барча туманлар доирасида "Сайёр қабул"лар ташкил этилиб, мурожаатларнинг қарийб 170 дан ортиги ижобий ҳал этилди. Зомин туманидаги "Мурувват" ногиронлиги бўлганлар учун интернет уйида "Муҳтожларга мурувватли бўлайлик!" акцияси доирасида тадбир ташкил этилиб, унда Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят Кенгаши, Зомин туман кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят ҳамда туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят раҳбари ва санъаткорлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди. Тадбир давомида вилоят Кенгаши томонидан "Мурувват" уйи тарбияланувчиларига зарурий воситалар тақдим этилди. "Аёллар соғлиги – жамият бойлиги" лойиҳаси доирасида 60 та мактабда "Спорт – саломатлик гарови" мавзусида хотин-қизлар ўртасида спортнинг волейбол мусобақаси ташкил этилиб, голиб ва совриндорлар партия томонидан рағбатлантирилди.

Мазкур лойиҳа доирасида "Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини ошириш" мавзусида Бахмал, Зомин, Ғаллаорол, Зарбдор туманларида тадбирлар ташкил этилиб, унда Ўзбекистон

ХДП Жиззах вилоят, туман Кенгаши, вилоят "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими, туман тиббиёт бирлашмасидаги мутахассислар ҳамда "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар иштирок этди.

Тадбир доирасида ўтказилган тиббий кўрик акциясида 160 нафар хотин-қиз, 28 нафар болалар шифокорлар кўригидан ўтказилди ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан аёллар учун бепул 10 хил турдаги дори-дармон, санитария-гигиена воситалари тарқатилди. 233 нафар хотин-қизга даволанишлари учун йўлланмалар берилди. Ўтказилган "Сайёр қабул"лар жараёнида Зафаробод, Пахтакор ва Дўстлик туманлари кесими доирасида 128 нафар хотин-қиз касб-хунарга ўқитилиб, 13 нафари банклардан кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашди.

"Депутат маҳаллада" лойиҳаси доирасида Ғаллаоролда "Бахт барака чеварлари" тикувчилик фабрикаси фаолияти билан танишилди. Тикувчилик фабрикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ички бозорга йўналтириладиган бўлди. "Бахт барака чеварлари" тикувчилик фабрикасида халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Бувхол Ғозиева ташаббуси билан 40 нафар хотин-қиз ишга жойлаштирилди.

Ҳозирги кунда партияга аъзо ёшлар кўп-лаб соҳаларда яхши натижаларни қўлга киритаётганлиги қувонардир. Жумладан, жорий йилда 15 нафар вақилимиз "Мустақилликнинг

**Бундай амалий ишлар
саногини яна давом
эттириш мумкин. БИРОҚ
УЛАР ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ,
ДЕПУТАТЛАРИМИЗНИ
ХОТИРЖАМЛИККА ЭМАС,
БАЛКИ ЯНАДА ФАОЛЛИККА
ЧОРЛАЁТГАНИ ҲАМ БОР ГАП.
ЧУНКИ САМАРАЛИ
НАТИЖАЛАР ИСТИҚБОЛЛИ
РЕЖАЛАРГА ДЕБОЧА
ВАЗИФАСИНИ ЎТАМОҚДА.**

30 йиллиги" эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланди.

Партия ташаббуси билан эҳтиёжманд, соғлигини тиклаш учун ёрдам сўраган фуқароларнинг мурожаати ижобий ҳал этилди. Холтўра Самадовнинг кимётерапия олишига амалий ёрдам берилди. Шунингдек, депутатларимиз Зомин тумани, "Пишағар" қишлоғи, "Ёшлик" маҳалласида истиқомат қилувчи, боқувчисини йўқотган, 4 нафар вояга етмаган фарзандлари бор Қўшшаева Эрксеварнинг хонадониде бўлиб, зарур қурилиш ашёлари етказиб беришди. Шунингдек, Б.Расулованинг фарзандини даволатишда, бўйрагини алмаштириш учун ССБ томонидан ордер олиб беришда ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши ўз ёрдамини кўрсатди.

Депутатларимиз кўмаги билан аҳолини қийнаб келаётган қўллаб-қувватлаш ўз ечимини топмоқда. Жумладан, Форш туманидан сайланган Эркин Каттабеков амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари бунга яққол мисол бўла олади. Форш тумани ташкил этилганига қарийб 86 йилдан ошди, бироқ ички йўлларнинг аҳволи ҳавас қилгулик даражада эмас. Депутатимиз ташаббуси билан "Чорвоқ" қишлоғининг ички йўлини таъмирлашга бюджетдан 100 млн маблағ ажратиш берилди.

"Эшпўлат" қишлоғида туман тез тиббий ёрдам пункти очилди. Ушбу ҳудудда 4600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шу ҳудуддаги қишлоқ оилавий шифохонасининг таъмирланишида ҳам депутат кўмаги катта бўлди. Битта хусусий боғча, иккита давлат-хусусий шеркчилик боғчаси очилишига амалий ёрдам кўрсатди. "Этбўрибой" қишлоғидаги кўприкнинг қурилишига ҳам шу депутатимиз бош-қош бўлди...

Бундай амалий ишлар саногини яна давом эттириш мумкин. Бироқ улар партия фаоллари, депутатларимизни хотиржамликка эмас, балки янада фаолликка чорлаётгани ҳам бор гап. Чунки самарали натижалар истиқболли режаларга дебоча вазифасини ўтамоқда.

Уй-жой билан боғлиқ муаммолар оз эмаслигини тан олиш керак.

15-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№50 (32692)

ОДАМНИНГ УЙ-ЖОЙИ БЎЛСА, ЎЗ БОШПАНАСИГА ЭГА БЎЛСА, АЛБАТТА, ХОТИРЖАМ ВА БАХТЛИ ЯШАЙДИ. ЧУНКИ ОИЛА ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ БЎГИНИ, КИШИ ХОНАДОНИ ЭСА УНИНГ КИЧИК ВАТАНИ САНАЛАДИ. ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ЮРТИМИЗ АХОЛИСИНИ ТУРАР ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. МАСАЛАН, КЕЛГУСИ ЙИЛ МАМЛАКАТИМИЗДА ИПОТЕКА ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА 50 МИНГГА ЯҚИН ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. БУНГА ҚАРИЙБ 13 ТРИЛЛИОН СЎМ МАҚСАДЛИ КРЕДИТ ВА 1 ТРИЛЛИОН 300 МИЛЛИАРД СЎМ СУБСИДИЯ АЖРАТИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН.



ВИДЕОСЕЛЕКТОР ТАФСИЛОТЛАРИ:

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА


Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу масала атрофлича кўриб чиқилди. Президентимиз томонидан аҳоли ва қурувчиларга янги қулайлик ҳамда имкониятлар белгиланди.

Айтиш керакки, бугунги кунгача ипотека кредити ва субсидия олишда уй-жой майдони ва нархи билан боғлиқ чекловлар бор эди. Энди бундай чеклов бўлмайди. Сотиб олинadigan хонадоннинг майдони ва нархидан қатъи назар, эҳтиёжманд аҳолига дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун 32 миллион сўм субсидия тўланади. Шунингдек, эҳтиёжманд аҳоли учун давлат томонидан қоплаб берилadigan субсидия

миқдори барча ҳудудлар учун бир хил – 10 фоиз этиб белгиланади. Субсидиялар яқка тартибдаги уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун олинган кредитлар учун ҳам татбиқ этилади.

Бу янгиликлардан аҳоли мамнун. Бевосита Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати саналган эҳтиёжманд кишилар манфаати ҳимояси кучайтирилгани эса партия фаолларига қўшимча вазифалар юклайди.

Хўш, тегишли мутасаддиларнинг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг бу борадаги фикрлари қандай? Янги массивлар бунёд этилишида масъул бўлган ташкилотлар нима дейди?



Даврон ОДИЛОВ,
Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари:

— Бу янгилик ҳам уй-жойга эҳтиёжманд халқимиз, ҳам уй-жой қурилиши бозорида иштирок этаётган қурувчиларнинг ичида кутаётган орзу-мақсадлари эди. Шунча имконият яратилишини ҳатто биз ҳам кутмаган эдик. Шу маънода ушбу ўзгаришларни инқилобий селектор, десак тўғри бўлади.

Республикаимизнинг барча ҳудудида илк шаклланган дастурга кўра, 29 та Янги Ўзбекистон массиви бунёд этилиш режалаштирилган. Албатта, бу дастур чекланиб қолмай, келгуси йилларда ҳам давом этади. Чунки дастурга асосан жуда ҳам катта ва кенг кўламли қурилишлар олиб бориладиган ҳудудлар бор. Шу сабабли, 2023-2024 йилларда ҳам ишимизни давом эттирамиз.

Авваллари бизда ёндашув бошқача эди. Аввал қуриб, кейин инфратузилма масалалари ҳақида ўйлар эдик. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган дастурда уйлари массив шаклида қуриш қайд этилган. Лойиҳадан бошлаб ўша жойнинг ривожланиши режалаштирилади. Янги ташкил этиладиган массивда одамларнинг қаерда ишлаши, ўқиши, қайси поликлиника ёки маҳалла гузарига бориши ва дам олишдан бошлаб, урбанизация масалаларига қамраб олинган. Бир сўз билан айтганда, комплекс ёндашув асосида амалга оширилади. Ана шунда инсоннинг бутун ҳаёти давомида зарур бўладиган барча ижтимоий-иқтисодий объектлар, энг муҳими, иш ўринлари яратилади.

Шу сабабли бош режага кўра, уй-жойларнинг манзилли танлашда ўқиш, касб-ҳунар ўрганиш, яшаш, болалар боғчасидаги коэффициентлар ўрганилади. Ўз сифимизга 1,5-2 баробар кўп ўқувчилар билан ишлаётган мактаблар ҳам бор. Шунинг учун фақат массивнинг ўзи

эмас, ён-атрофидаги инфратузилмани ҳам ўрганиш топширилди. Ортиқча коэффициентдаги мактаблардан болаларни жалб қилишга ҳам рухсат берилди.

Бундан ташқари, ёшлар sanoat зоналари, кичик sanoat зоналар ташкил этилади. Қишлоқ аҳолиси асосан ёз мавсумида ўз даласида банд бўлади. Шу сабабли қишда улар учун иссиқхоналар қурилади, даромадга эга қилиш ҳам кўзда тутилмоқда. Асосийси, шу кунга қадар бўлган баъзи ноқулай тартиблар бекор қилинди. Авваллари қурувчилар маблағ сарфлаб, токи қурилган уй-жойга кимдир эғалик қилишни бошлагандан кейингина банклар гаровга оларди. Фақат ана шунда қурувчилар сарфланган пулини қайтариб олиш имконига эга бўларди.

Яна бир жиҳати, шу кунгача қурувчининг пули нечта уйга етса, шунча кура оларди. Янги қарор бўйича эса бу имкониятлар бир неча баробар ошди. Эндиликда каркас қисми битган, яъни томи ёпилган уйни банк гаровга олиб, бошқича-бошқича молиялаштириб боради. Натижада эса, маблағ жиҳатдан муаммолар ечими топилди. Бу эса ўз навбатида уй таннархининг тушишига олиб келади. Сабаби қурувчида давлат томонидан дастак берилди.

Қурилиш кластерлари ҳақида гап кетганда билишимиз керакки, уларда лойиҳа институтларидан тортиб, қурилиш сифатини назорат қилиш лабораторияларига ҳам мавжуд. Ушбу соҳа бир нечта позициялардан иборат. Яъни, битта бинонинг вужудга келиши бир нечта бошқични ташкил этади. Темир-бетон, эшик-ромлари, жиҳозлар, пардозлашда ишлатилadigan хом ашёлар — буларнинг ҳаммаси кластерлар томонидан етказиб берилди. Кластерлар орасида уларни 80 фоизгача маҳаллийлаштиришга эга бўлганлари бор. Натижада сифатни назорат қилишга эришилади ва нархларнинг ошиб кетишига тўсиқ бўлади. Логистика харажатлари камайишига олиб келади. Галдаги вазифа бу каби қурилиш кластерларини кўпайтиришга қаратилади. Бунинг учун банкдан алоҳида кредит маблағлари ажратилди.

Келгуси йилда субсидия бўйича 21 минг хонадон қурилиши режалаштирилган. Умумий қуриладиганларнинг сони эса 50 мингтани ташкил қилади.



Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Уй-жой билан боғлиқ муаммолар оз эмаслигини тан олиш керак. Бу борада айниқса, эҳтиёжманд кишилар кўпроқ қийналарди. Президент қарори билан ана шундай катта-катта барьерлар олиб ташланди, молиявий ёрдам ҳам берилди. Масалан, давлат томонидан берилadigan субсидия миқдори турлича эди. Қарор билан эса улар бир хил кўринишга келтирилди ва 10 фоиз қилиб белгиланди.

Яна бир масала шундаки, ипотека кредити олишда кафиликка ўтувчи шахс қариндош бўлиши кераклигини белгиланган эди. Жойларга борганимизда сайловчилардан айнан шу билан боғлиқ саволлар бўларди. Яъни, уйга эҳтиёжи бор, лекин бирор бир ташкилотда муайян иш жойига эга эмас. Банкдан кредит олиш учун эса ойлик иш ҳақи тақдим этилиши лозим. Банк эса тўлов қобилияти йўқлиги сабаби билан бундай кишиларга кредит ажратмасди. Муайян банд бўлмасда, фермер хўжаликлари ёки бошқа савдо-сотик ишлари орқали тўлов қобилиятига эга бўлади. Банк томонидан талаб қилинаётган ҳужжатлар нуктаи назаридан ана шу шахслар бошпана оломай қийналаётганди. Эндиликда эса, қариндош бўлмаган фуқаролар кафиликка ҳам рухсат берилди. Демак, бу борадаги масалалар ҳам ўз-ўзидан ечим топади.

Хабарингиз бор, чин етимлар, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ёки ногиронлиги бўлган шахслар учун янги массивларда уй-жойлар барпо этилиб, туман ҳокимликлари томонидан тақдим этиб келинаётганди. Биз ҳам

фракциямиз ёки кўмитамиз томонидан жойларда назорат-таҳлил тартибида ўрганаётган вақтимизда бунга рўйхатларда навбатда турганлар кўплигининг гувоҳи бўлганимиз. Ушбу масалага ечим сифатида селекторда алоҳида чора-тадбир белгиланди. Яъни, келгуси йилдан бошлаб юқорида айтилган тоифа кишиларга иккиламчи бозордан ҳам имтиёзли равишда уй олиш имконияти яратилади. Бу эса уйга жуда ҳам эҳтиёжи юқори аҳоли вакиллари ўзига керакли ҳажмдаги уйни олиш имкониятига эга бўлди. Натижада улар янги массивлар қуриб битказилишини кутиб туришга мажбур бўлмайди.

Шу ўринда мақсадли ипотека омонати механизмнинг аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Банк, қурувчи ва харидор бор. Энди уч томонлама шартнома тузилади. Харидор банк орқали қурувчини молиялаштиради, яъни банк қурувчини маблағ билан таъминлайди ва шу аснода занжир узилиб қолмай, уй-жой масаласи ечими ҳал бўлади. Соддароқ қилиб айтганда, харидор қурувчи билан эмас, банк билан савдонинг амалга оширилади. Аҳоли учун қулайлиги эса банк фуқарога объектнинг вақтида топширилишига кафилик бўлади. Баъзан белгиланган, ваъда қилинган вақтда уйлар топширилмаслик ҳолатларини кўрамиз. Демак, янги тартибга биноан энди имкониятлар ҳавотирга тушмас эва бўлади.

Буларнинг барчасига албатта, маблағ ва хом ашё керак. Шундан келиб чиқиб, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш потенциалини оширишга ҳам урғу берилди. Ушбу йўналишда ҳам имкониятларимиз етарли бўлиб, улардан энг юқори даражада фойдаланиш талаб этилади. Маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқарилса ва улардан фойдаланилса, уй-жойнинг таннархи пасайишига ҳам олиб келади.

Умуман, ҳар бир йўналиш бўйича жорий этилаётган янгиликлар Халқ демократик партияси электорати манфаатларини ҳимоя қилиши билан аҳамиятли. Шу сабабли бу борадаги ишларнинг олиб борилиши ҳамisha эътиборимиз марказида бўлади.

“Ўзбекистон ovozi”
мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

МУНОСАБАТ

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

Ҳуқуқий давлат барпо этиш сари бораётган жамиятимизнинг маданийлиги ва давлатимизнинг демократиклиги даражаси миллий ва этник гуруҳларга яратиб берилган шароит ҳамда имкониятлар билан белгиланади. Шу туфайли улар маданий ўзига хосликни қарор топтириб, маънавий ва ақлий салоҳиятини тўла-тўқис рўйбага чиқариб келмоқдалар.

Виджон эркинлигини таъминлаш, миллатлараро ва динлараро муносабатларни уйғунлаштириш соҳасида ўтказилаётган ҳар томонлама пухта ўйланган давлат сиёсати ўз самарасини бераётганлиги билан фахрланиш учун ҳамма асосларга эгамиз.

Давлатимиз раҳбари Конституцияимизнинг 29 йиллиги байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригиде мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакилларининг ўз тили, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришлари учун зарур шароит ҳамда имкониятлар яратилганини таъкидлади.

“Айни вақтда биз Конституцияимиз нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг кадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тасаввур қиламиз. Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг кўламли ислохотларимизни изчил давом эттирамиз”, – дея таъкидланди Президентимизнинг байрам табригиде.

Ўзбек халқининг ҳаётда рўй бераётган чўқур ўзгаришларда мамлакатимизда яшовчи бошқа халқларнинг вакиллари ҳам бир жон, бир тан бўлиб қатнашмоқдалар. Ана шу халқларнинг ҳаётда ҳам чўқур тарихий ўзгаришлар фаол содир бўлмоқда. Миллатлараро ҳурмат ва тотувлик руҳи билан ажралиб турадиган Ўзбекистонда миллати, диний эътиқоди, тилидан қатъи назар, барча фуқароларнинг яқдиллигини таъминлаш сиёсати юри-тилаяпти. Айни пайтда юртимизда яшаётган миллат ва элатлар тинч-тотув, ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаши, миллатига хос анъана ҳамда қадриятларини ҳурмат қилиш, ривожлантиришлари учун барча зарур шароитлар яратилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик, осойишталик, беғубор осмон, мунаввар кунларимизнинг қардқиммати, аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Ана шу тинчлик, осойишталик омили бўлган диний бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга диёримизда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Юртимизда хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир заминда буюк гоё ва соф ниётлар йўлида ҳамкор ҳамда ҳамжиҳат бўлиб яшашаётганлиги бағрикенгликнинг ёрқин намунаси.

Ўзбекистондаги барқарорликни ҳамда давлат ва жамият тараққиётини мамлакатда истиқомат қиладиган 136 дан ортиқ миллат ва элатнинг ўзаро тотувлигисиз, 16 диний конфессия вакиллари ўртасида бағрикенглик муносабатларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Янги Ўзбекистонда эришилаётган ютуқлар, унинг ниҳоятда бой тарихий мероси, маданияти ва санъати бутун дунёда доимий қизиқиш уйғотиб, сармождорлар ва саёхатчиларни ўзига жалб қилмоқда. Бу вазиятда Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатли фуқароларининг таваққури, турмуш тарзи ва феъл-атворидаги бағрикенглик тамойиллари шубҳасиз муҳим ўрин тутди.

Раҳбар ХОЛИҚОВА,
тарих фанлари доктори, профессор,
Файзулла НОРҲУЖАЕВ,
техника фанлари доктори, профессор.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши хотин-қизлар ва ёшлар сектори, партия Урганч шаҳар кенгаши томонидан хотин-қизлар ва ёшлар билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш механизмларини амалда қўллаш мақсадида жойларда сайёр қабуллар ўтказмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Урганч шаҳридаги “Жинговуз” маҳалла фуқаролар йиғинида вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими масъул ходимлари, депутатлар ва партия фаоллари иштирокида ўтказилди.

Сайёр қабул давомида ҳар бир фуқаронинг мурожаати тингланди ва уларнинг ечимига эътибор қаратилди. Жумладан, оилавий шароити оғирлиги, қарамоғида 1-гуруҳ ногирон фарзанди борлигини маълум қилиб, моддий ёрдам кўрсатишда амалий ёрдам сўраган фуқаро Малоҳат Отажонованин мурожаати жойида қаноатлантирилди. Ушбу оилга маҳалла фуқаролар йиғини томонидан моддий ёрдам тайинланиши белгиланди. Бундан ташқари, Раҳима Қурбонбоева, Ирода Маҳмудова, Интизор Ҳасанова каби фуқароларга ишга жойлашиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, моддий ёрдам кўрсатиш, кредит билан боғлиқ мурожаатлар сайёр қабулнинг ўзида ижобий ҳал этилди. Бошқа мурожаатларни ўрганиш ва ижобий ҳал этиш учун тегишли чоралар белгилаб олинди.

Партия депутатлари томонидан вилоятнинг барча ҳудудида аҳоли мурожаатларини ўрганиш бўйича сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши.

15-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№50 (32692)

THE WORLD BANK

ЖАҲОН БАНКИ
ЯНГЛИШГАН БЎЛСИН-ДА...

Йил якунланиб борар экан, турли сўровномалар, рейтинглар тузилади, натижалар таҳлил қилинади. ЎЗИМИЗ ЁЗГАН ҲИСОБОТЛАРДА АЛЛАНЕЧУК "МЕҲР" УФУРИБ Туради, ЯХШИСИНИ ОШИРИБ, ЁМОНИНИ ЯШИРИБ ДЕГАНДЕК. ШУ БОИСДАНМИ, ХОРИЖ КОМПАНИЯЛАРИДА ТУЗИЛАДИГАН ТУРЛИ РЕЙТИНГ, ҲИСОБОТЛАРНИ ДИҚҚАТ ВА ҲУШЁРЛИК БИЛАН КУЗАТАМИЗ. АЙНИҚСА, ЖАҲОН БАНКИДЕК НУФУЗЛИ ИДОРАНИНГ ҲИСОБОТИ БЎЛСА, БУНИСИ ЭНДИ АНЧА ЖИДДИЙ. ЗОТАН, ҲИСОБОТ ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ, ИНДИКАТОРЛАРИ МУРАККАБ БЎЛГАНИ УЧУН, ЭНГ АСОСИЙСИ, ИНВЕСТОРЛАР, ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ИСТАГИДА БЎЛГАНЛАР ШУ КАБИ МУҲИМ ҲИСОБОТЛАРГА ТАЯНИШИ ЖИҲАТИДАН, ЖАҲОН БАНКИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИГА ДОИР ҲИСОБОТИ МУҲИМ.

ЁШЛАР – МУАММО(МИ?)

Яқинда Жаҳон банки Ўзбекистонда ёшларни иш билан таъминлашдаги муаммо ва имкониятлар тўғрисидаги ҳисоботини эълон қилди. Унда айтилишича, Ўзбекистонда 24 ёшгача бўлган ёшлар сони 15 миллион, 29 ёшгача бўлган ёшлар эса 18 миллион нафарни ташкил қилади. Бу шахслар гуруҳи мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун ҳам имконият, ҳам муаммодир. Улар меҳнатга лаёқатли аҳолининг бошқа гуруҳларига қараганда ишга жойлашишда жиддийроқ тўсиқларга дуч келишади, шунингдек, юқори даражадаги иқтисодий нофаоллик ва меҳнат бозоридан норозиликни намойён этадилар. 16-24 ёшли ёшларнинг 24 фоизини, 16-29 ёшлиларнинг 26,4 фоизини ҳеч қаерда ўқимаётган ва ишламаётган ёшлар ташкил этади....

Албатта, ёшлар бандлигини таъминлаш умумдавлат аҳамиятига эга масаладир. Яширишнинг ҳожати йўқ, Ўзбекистонда ёшлар ишга жойлашишда қийинчиликларга учраётган ижтимоий ночор тоифалардан бири ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, бу борадаги аҳвол чатоқмикан?

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛ – КУЧЛИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Ҳозир мамлакатимиз аҳолисининг 55 фоизини йигит-қизлар ташкил этади. Тўғри, сўнгги йилларда ёшлар бандлигини таъминлаш, касб-хунарга ўргатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг миқёсидаги ишлар олиб борилди.

Меҳнат бозорига 2021 йилда жами 560 минг нафар битирувчи кириб келди. Яъни, олий таълим муассасаларини 103,1 мингдан ортиқ, умумтаълим мактабларини 440 мингга яқин, академик лицей ва касб-хунарга коллежларини 18 мингдан зиёд ёш тамомлади. Олий таълим тизимини ривожлантириш концепциясида ёшларни камраб

олиш даражасини 2030 йилга қадар 50 фоизга етказиш белгиланган.

Айтиш керакки, ёшларимиз орасида ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги янгилашлар жараёнида фаол иштирок этаётганлари жуда кўп. Аммо ўқишни битириб, ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаша олмаётган, сарсон-саргардонликда юрган йигит-қизлар бор. Ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, адашган, кўмакка муҳтожлари ҳам йўқ эмас.

Демак, ислохотларга қарамай, ёшларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш борасида муайян камчиликлар ҳам бор...

ХЎШ, ГАП НИМАДА?

Аслида ёшлар – мамлакат тараққиёти учун катта иқтисодий куч ва яхши имконият дегани. Лекин бу максдаг эришиш учун аввало, ёшларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, улар учун кредит ажратиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масалаларига жиддий эътибор бериш керак. Бироқ, афсуски, бизда аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлар тақдирига кўнрақлик билан муносабатда бўлиш ҳолатларига ҳамма жойда ҳам дуч келинавермайди. Бунинг ортидан бири иккинчисига издош бўлган муаммолар кўпайгандан кўпаймоқда.

1. Қишлоқ жойларда иш ўринларининг етишмаслиги ва ишчи кўчига талабнинг сустлиги, норасмий бандликнинг юқори даражаси ва иш ҳақининг пастлиги — ёшлар бандлигини таъминлашда асосий муаммолардан бири. Аксарият ёшлар расмий рўйхатдан ўтказилмасдан ва меҳнат дафтарчасини очмасдан ишга қабул қилинади. Ёшлар иш ҳақи кутилган даражасига нисбатан пастлигидан шикоят қилишади.

2. Диплом йўқ – иш йўқ. Маълум бўлишича, бугунги кунда Ўзбекистонда 29 ёшгача бўлган ёшлар 18 миллион бўлиб, мамлакат Европа ва Марказий Осиёда энг кўп ёшларга эга. Келгуси 10 йил ичида

“**АЛБАТТА, ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УМУМДАВЛАТ АҲАМИЯТИГА ЭГА МАСАЛАДИР. ЯШИРИШНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ, ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИШГА ЖОЙЛАШИШДА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА УЧРАЁТГАН ИЖТМОИЙ НОЧОР ТОИФАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

меҳнатга лаёқатли аҳоли сони яна 12 фоизга ошиши кутилмоқда. 16–24 ёшдаги барча ёшларнинг 24 фоизини (26,4 фоизи — 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган гуруҳда) ишсиз ёки ўқимайдиган ёшлар ташкил этади. Қизлар орасида ишсизлик айниқса, юқори — ўғил болаларга нисбатан 4 баробар кўп.

3. Билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги асосий муаммолар сифатида кўрсатилган. Айтилишича, умумий таълим тизими ҳамда касб-хунарга таълими орқали тақдим этилаётган техник кўникмаларнинг сифати пастлиги ҳамда иш берувчилар томонидан талаб қилинадиган билим ва кўникмаларга сезиларли даражада мос келмайди. Ўз бизнесини бошлашда бизнес режани пухта ишлаб чиқишда зарур билимлар етишмайди. Шунингдек, олий таълим муассасаларига кириш жуда қийин (эди! – таъкид бизники).

4. Ўз бизнесини бошлашда имтиёзли кредит олиш имконияти чекланган ва аксарият ҳолларда бошланғич капитал мавжуд эмас. Бундан ташқари, кучли рақобат ва маҳаллий истеъмол бозорлари чекланганлиги ҳам асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда...

Қизиқ гаплар, ўзимизга маълум гаплар, аллақачон манзарани ўзгартиришга доир амалий ҳаракатлар бошланган. Мен бу жиҳатдан ҳисоботда янгилик кўрмадим.

АХБОРОТ ВА БИЗНЕС

Ҳисоботда бандлик бўйича давлат дастурларининг заиф томонла-

ри ҳам санаб ўтилган. Жумладан, ёшлар меҳнат бозори тўғрисида етарлича маълумотга эга эмас ва мактабларда касбга йўналтириш амалиёти деярли мавжуд эмас. Ёшлар ва иш берувчилар бандлик бўйича мавжуд давлат хизматлари ва дастурларидан хабардор эмас ва бундан фойдаланилмайди. Шунингдек, ёшлар бандлигини оширишга қаратилган дастурларга давлат харажатларининг самарадорлиги ва ҳукумат аралашувининг оптимал даражасини аниқлаш борасида маълумотлар мониторинги ва баҳолаш маданияти ҳам заифлиги қайд этилган...

Жаҳон банки экспертлари тельерамдада ўзбек сегментини ҳам кузатдимикан? Таълим, бизнесга доир қанча ресурслар бор. Назаримда, объективлик бузилган.

УМИДСИЗ КАЙФИЯТДА ЭКАНЛИГИНГИЗДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Жаҳон банкининг ҳисоботида айтилишича, Ўзбекистонда 16–29 ёшдагиларнинг 26,4 фоизини меҳнатда, таълимда ёки профессионал тайёрлов курсларида банд бўлмаган

НАТИЖАЛАР БОР, АММО КУТИЛГАНИДЕК ЭМАС...**Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Парламент куйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари мунтазам равишда бандлик бўйича белгиланган вазифалар ижросини назорат қилмоқда. Лекин, очигини айтиш керак, натижалар кутилганидек эмас.

Халқ демократик партияси ҳукумат фаолиятига ишсизлик масаласи қандай ҳал этилаётганига қараб, баҳо берилиши зарур, деб ҳисоблайди. Шунинг учун биз республикадаги иш ўринлари яратилиши билан боғлиқ реал вазиятни танқидий таҳлил қилмоқдамиз.

Очигини айтиш керак, жойларда аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашда тўсиқ бўлаётган муаммолар талайгина. Айтилик, худудиде қанча ишсиз борлиги, улар ниманинг орқасидан тирикчилик қилаётгани ва нима билан бандлигидан беҳабар раҳбарлар йўқ эмас.

Худудлардаги ижтимоий-иқтисодий вазият бири-бирдан фарқ қилади. Бандлик ва янги иш ўринларини

ёшлар (NEET) ташкил қилади. Қўшимча қилиб айтишяптики, Ўзбекистонда 15–24 ёшлилар орасида “Умидсизликка тушган” ёшларнинг улуши 5 фоизга етади, 25–29 ёшли ёшлар орасида эса 4 фоизгача камаяди. Евроосиё минтақасидаги аксарият қўшни мамлакатларда бу кўрсаткич 2,5 фоиздан камроқ.

Қизиқ... Ҳурматли ёшлар, умидсиз эканлигингиздан ўзингизнинг хабарингиз борми? “Қозончининг ихтиёри ўзида, қаердан кулоқ чиқаришни ўзи ҳал қилади”, дейдилар.

Бу таҳлилни тайёрлаётганлар бизнинг маданият, қадриятларимизни билармиканлар, бу айблов косов кўтариб гулшанга киргандек бўлиб қолибди, деган шубҳа пайдо бўлди менда.

НИМА ҚИЛИШНИЯМ АЙТИШАДИ

Таҳлиллардан келиб чиқиб, ҳисобот муаллифлари ёшлар бандлиги соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўз тавсияларини ҳам эълон қилди. Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган давлат дастурларини баҳолаш, ислоҳ қилиш ва кенгайтириш, мактаблар ва касб-хунарга таълими марказларига рақамли кўникмаларни ўқитишни жорий қилган ҳолда уларни ривожлантириш, талаб катта бўлган кўникма ва касбларни яхшироқ диагностика қилишни таъминлаш, ёшларнинг таълим ва меҳнат бозори ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиши имкониятини яратиш кераклиги таъкидланган.

Шунингдек, ёш аёлларнинг бандлик ва ўзини ўзи иш билан таъминлашда фаол иштирокини рағбатлантириш, болаларга ғамхўрлик қилиш бўйича хизматларни яхшилаш ва янада мослашувчан меҳнат қоидаларини жорий этиш, секторлар ва худудлар бўйлаб касбий ва меҳнат мобиллигидаги тўсиқларни бартараф этиш учун қонунчилик ислохотларини илгари суриш, бандлик бўйича давлат хизматлари ва дастурлари ҳақидаги хабардорликни ошириш ҳамда ҳавфсиз ва самарали меҳнат миграциясини осонлаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Тавсиялар бир қадар конструктив, ҳукуматнинг амалий ҳаракатлари ҳам уйғун эканлиги эътиборимни тортди.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Аслида, бандлик, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласини бир кун ҳам кечиктириб бўлмайди. Юқоридаги хулосалар, ҳисоботлар, шу юрт фарзанди сифатида, ғуруримга тегса ҳам, мулоҳаза қилиб кўриб, буғунимизни эмас, келажакни — фарзандларимизни ўйлаб, ҳар қандай фикрни вазминлик билан қабул қилиш, керагини олишдан уялмаслигимизни ўйладим.

Муаммолардан кўз юмиб бўлмайди. Уларни қозғошлар остига яшириш, “бизда ҳаммаси зўр”, деган ҳисоботлар билан узоққа бориб бўлмайди. Ўзбекистонда аҳоли, айниқса, ёшлар бандлиги масаласида муаммолар кўплиги ўзимизга ҳам маълум. Уни бартараф этиш бўйича иш олиб борилаётганини ҳам биламиз.

Аммо, унутмаслигимиз керакки, ҳамма гап самарадорликда. Ёшлик тез ўтиб кетади. Бир марта келади. Уни бахтиёр яшаб ўтиш керак.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Жуда ҳам сокин, тинч ва маданият уфуриб турган шаҳардан кўп нарса ўрганиш мумкин.

ПЕТЕРБУРГДАГИ НАВОИЙХОНЛИК ҚАНДАЙ ЎТДИ?

ЭРМИТАЖ. 80 ЙИЛ АВВАЛ

1941 йил 10 октябрь. Ташқарида Иккинчи жаҳон урушининг совуқ нафаси кезиб юрибди. Атрофда снарядлар портлайди. Танкларнинг ўқириклари эшитилади. Ҳар қадамда ўлим шарпаси. Шунча даҳшат ва ваҳимага қарамасдан Эрмитажда тарихий сана нишонланди. Барча даврларнинг энг сеvimли шоири, улуг мутафаккир, ўз ижоди билан асрлар давомида бутун инсониятни эзгуликка, тинчлик ва дўстликка даъват этиб келган Алишер Навоийнинг 500 йиллиги тантана қилинди.

Ҳаш-паш дегунча орадан 80 йил ўтди. Замон ўзгарди. Ер юзида, ҳайтовур, тинчлик ва осойишта ҳаёт ҳукм сура бошлади. Одамларда илм излашга, билимга бўлган шийёк аввалгидан-да ортди. Эрмитажда эса яна бир тарихий воқеалик қайд этилди. Ҳазрати Навоийнинг 580 йиллиги катта илмий анжуман сифатида кенг нишонланди. Ҳатто энг оғир дамларда ҳам инсонлар қалбида ёруғ кунларга умид уйғотган шоир лирикаси яна энг баланд ноталарда жаранглади. Петердаги икки кунлик саёҳат таассуротлари эса ҳажжон ва Алишер Навоийнинг авлоди эканмиздан фахрлиниш туйғулари билан қоғозга туширилди.

ТАРИХ ТАКРОРЛАНДИ

Навоийнинг 580 йиллигини нишонлаш мақсадида сафарга отланган ўзбекистонлик делегация аъзолари билан Санкт-Петербургдаги Полкова аэропортига кўнганмизда маҳаллий вақт билан соат 22 дан ошган эди.

Ташқарида ҳаво ҳарорати 17 даража совуқни кўрсатиб турган бўлса-да, масъулият ва ҳажжон сабаб ҳеч кимга бу сезилмади. Гурҳимизни кутиб олган элчихона вакиллари бизни микроавтобусга жойлағач, меҳмонхонага қараб йўл олди. Шаҳарга кириб борар эканмиз, қадимий Европа мамлакатлари маданиятини ёдга солувчи бинолар архитектураси эътиборимизни тортди. Ён-атроф қорга бурканган, бироқ бу транспортлар ҳаракатига таъсир қилмади. 30-40 дақиқа юрилгач, шаҳар марказида жойлашган икки кунлик уйимизга етиб бордик. Хоналар нарсаларимизни жойлар-жойламас, расмлар ҳамда видеотасвирлар олиш мақсадида ташқарига отландик.

Кўчалар кесибган жойнинг марказида Бутун Россия императори Николай I га тегишли ҳайкал ўрнатилган бўлиб, у 1859 йилда қурилган экан. Йўлнинг бир тарафида олтиндан қилинган гумбазларига эга бўлган Исаакиев номи православ черкови қад ростлаган. XIX асрнинг ўрталарида қурилган иморат ҳануз охори тўқилмаган ҳолатда турибди. Ҳайкалнинг чап тарафида эса маҳаллий мэр ҳамда сайлов комиссияси ўтирадиган сиёсий бино жойлашган. Эътиборлиси, ҳар бир иморатда Россия императорлиги даврига оид кўринишлар, рамзлар сақланиб қолган.

УЗОҚ КУТИЛГАН КУН

10 декабрь. Ўша узоқ кутилган тарихий кун келди. Делегация аъзоларининг дастлабки манзили Россия Фанлар академияси Шарқ кўлэмалари институти бўлди. У ерда бошқа даврларда янграмаган маълумотлар, илмий қарашлар тақдим этилди. Ҳар икки мамлакат навоийшунослари маърузалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Табиийки, келтирилган турли назариялар баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу эса янги ғоялар тугилишига замин яратди.

Ирина ПОПОВА,

Шарқ кўлэмалари институти директори:

— Алишер Навоийнинг меросини ўрганиш аънаниси бир жойда тўхтаб турмайди. Доимо янги манбалар топилади. Илмий излашлар натижасида шoir ижоди билан боғлиқ янги қарашлар, фикрлар пайдо бўлаверади. Демак, ушбу йўналишдаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришимиз лозим, деб ҳисоблайман. Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти томонидан олиб борилаётган ишлар алоҳида таҳсинга лойиқ. Лекин бунинг давомийлигини таъминлаш зарур. Ана шунда бугунги авлод ҳам, келажак ҳам Навоий ҳақида кўпроқ билади. Икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустақамланади.

Навоий шахсида келсак, унинг бетақдор сифатларини санаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Зеро, унинг асарларида кучли лиризм бошқа миллатлар каби рус адабларининг ҳам эътиборини тортган. Унда кўтарилган мавзуларнинг хилма-хиллиги, кўп қирра эканлиги юксак таҳсинга муносиб. Аслида назм тўғридан-тўғри юракка етиб боради, қалбни забт этади. Навоий ижодида эса бу жиҳатлар мукамал даражада мужассам. Айрим девонларда трагедия, табиатга мурожаат, муҳаббат тараннуми ва лириканинг юксак намунаси рус таржимонларини кўпроқ ўзига жалб қилган, ҳали ҳануз жалб қилиб келмоқда.

КАТТА ЛАНГАР ҚУРЪОНИ ҚАЕРДА?

Шарқ кўлэмалари институти. Ушбу манзил Нева дарёси соҳилларида жойлашган қадимда император оиласига тегишли сарой бўлган. 1857-1862 йилларда машҳур архи-

тектор Андрей Штакеншайдернинг лойиҳасига асосан Николай I нинг ўғли буюк герцог Михаил Николаевич учун махсус қурилган. Бино уч қаватдан иборат бўлиб, ертўла ва том қисмидан ҳам фойдаланилган. Унинг асосий зинаполярли қимматбаҳо тошлардан ишланган бўлиб, четларига тилла билан қопланган ҳимоя тўсинлари ўрнатилган. Бинонинг ҳар бир қисми маълум бир маънога эга бўлиб, киборлар жамиятига хос виқор ва маҳобат тўкиб турибди.

Айни пайтда тарихни ўрганиш учун хизмат қилаётган собиқ саройда Шарқий мамлакатлар, хусусан, ўзбек халқининг бой маданий меросига тааллуқли ўнлаб бебаҳо кўлэмалари сақланади. Навоий асарлари, Қуръони карим, Шоҳнома ва яна қатор маънавий бойликларнинг кўлэма нусхалари ўрин олган. Улар орасида милодий VIII асрда араб алифбосининг кўфий-хижозий хатида кўчирилган Қуръони карим нусхаси мавжуд.

Маълумотларга кўра, бу китоб бир пайтлар Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги Катта Лангар қишлоғида, тасаввуфдаги Ишқия тариқати шайхлари хонақоҳида сақланган. Шу боис ушбу кўлэма илмий жамоатчилик орасида "Катта Лангар Қуръони" номини олган. Китобнинг катта қисми — 81 саҳифаси қандай қилиб Россияга бориб қолгани ҳақида ҳам турли-туман тахминлар мавжуд. У институтга ўтган асрнинг 30-йиллари охирида келтирилган экан.

Бундан ташқари, мумиёланган тошга битилган қадимий Миср кўлэмаларидан тортиб, тангут тилида ёзилган ва қадимги хитой давлатига тегишли бўлган ягона нусхадаги мактубнинг ярми, ҳинд, араб, туркий тилларда ёзилган бебаҳо кўлэмалар ҳам ушбу манзилда сақланади. Эътиборимизни торгани шу бўлдики, у ерда излашлар олиб бораётган талабалар, илмий ходимларнинг барчаси Навоийни танийди, унинг меросидан хабардор. Ушбу ҳолатга нисабатан "Аслида ҳаммамиз ҳам Навоий ижодини ўрганмаймиз. Йўналишларимиз турлича. Бироқ қайси мавзуда илмий иш қилишимиздан қатъи назар Навоийни ўрганмасдан Шарқни билолмаймиз. Шунинг учун унинг асарларини ўқиймиз, англашга ҳаракат қиламиз", деган изоҳ олди.

КЎҲНА КУТУБХОНАДА

Институтда кечган сўхбатлар қанчалар мароқли бўлмасин, навбатда бизни янада қизиқ воқеаликлар кутиб турар эди. Яъни, Навоий ҳаётлик чоғида ёзилган ва ўз қўллари билан ушлаган, балким ўзи ёзган, деб тахмин қилинадиган нусхалар қўним топган манзил Россия миллий кутубхонаси. У 1795 йилда Екатерина II томонидан қурилиши бошланган, бироқ маликанинг вафотидан сўнг, яъни 1814 фойдаланишга топширилган улкан зиё маскан. 225 йиллик тарихга эга кутубхона дунёдаги энг йирик 5 та кутубхонанинг биттаси саналади. Фонди бўйича Россияда иккинчи ўринда туради ва қимматли объект мақомига эга.

Делегация аъзолари томонидан кутубхонага VIII асрнинг биринчи чорағига мансуб "Катта Лангар Қуръони", "Ҳусайн Бойқаро девони" сингари кўлэмаларнинг Ўзбекистондан олиб келинган факсимиле нусхалари, юртимиздаги тарихий ёдгорликлар эпиграфикаси ҳақида ҳикоя қилувчи "Ўзбекистон обидаларидаги битиклар" туркумидаги китоб альбомлар тўхта қилинди. Улуғ аждодимизнинг ижоди ҳақида сўхбатлар ўтказилди.


Биз эса турли манбалардан ўқиганимиз, Навоий ҳаётлик вақтида ёзилган асарларни кўриш, кутубхонага саёҳат қилиш иштиёқида эдик. Ва ниҳоят лабиринт сингари қурилган тор йўлаклар бўйлаб кўлэмалар бўлимига қараб йўл олдик. Қадам ташлар эканмиз полларнинг гарч-ғурч қилиши бинонинг 200 йилдан ошганини ёдга соларди. Биз босган йўлакларда не-не улуғлар, ҳукмдорлару, тарихга ўз номини ёзиб қолдирган шахсларнинг изи, нафаси борлигини хаёл қилдик.

Қўлда ёзилган ёдгорликлар орасида турли тош битиклар ҳам бўлиб, улар қаватлар ўртасидаги каттароқ фоеларга ўрнатилган эди. Дарахт пўстлоғи-ю, ҳайвон терисидаги битиклар ҳақида эшитдик, бироқ уларни кўриш насиб қилмади.

Кутубхонанинг биз учун энг аҳамиятли хонасида Алишер Навоийнинг "Қўллийет", "Девон", "Хамса", "Маъжолис ун-нафоис", "Вақифий", "Чиҳил ҳадис" каби 30 га яқин кўлэма-си сақланади. Рус мутахассиси уларнинг ҳар бири ҳақида узоқ ва атрофлича тўхталиб ўтди.

Ольга ВАСИЛЬЕВА, Россия миллий кутубхонаси бўлим бошлиғи:

— Кутубхонамизда шоирнинг 28 та асари бор. Шунинг ярми 15-16 асрга тегишли. Шу сабабли бу кўлэмаларни чинакам шедевр, деб атаймиз. Навоий нафақат бетақдор ижодкор, балки ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бой шахс бўлган. У жуда кўплаб хайрия ишларига бош бўлган. Ижод аҳлини ҳамisha кўллаб-қувватлаган. Тиббиётдан тортиб, бунёдкорликкача йўналишда фаоллик кўрсатган. Шу сабабли ҳаётлик пайтида ёздирган, балким ўзи ёзган китоблар бебаҳодир. Уларнинг айримларида олтин ишлатилган, кўлэмалардаги баъзи саҳифаларда тузатишлар бор, имзо ва ёзилган сана қайд этилган. Бизасизми, бу нимани англайди? Бу ушбу



китобларни Навоий шахсан ёзмаган бўлса-да, ўз қўллари билан ушлаган, варақлаган, хатolikларни қалам билан тўғрилган. Асосийси, ер юзида бу каби асл нусханинг 12 донаси мавжуд ва уларнинг 3 донаси айнан шу ерда сақланади. Англия, Германия ва Туркия каби давлатларда ҳам бор. Бироқ энг кўпи бизда ва бу бизнинг энг қиммат бойлигимиздир.

Шу сабабли ҳаттоки, тилла ишлатилмаган нусхалар ҳам бебаҳо. Чунки уни шахсан Навоий кимгадир совға қилиш учун катта маблағ сарфлаб ёздирган. Асосийси, биз бунни яхши англаймиз. Асарлар кутубхонага келган кундан буён уларни ўрганиш, аналогий яратиш ишлари олиб борилган ва ҳали бу жараён давом этаверади. Ўша вақтлардаёқ таржима қилинган, қадрланган.

Бундан ташқари, музейимиз фондида Навоий асарларининг туркча ва форсча луғати, Эрон подшоҳлари тарихининг туркча таржимаси ҳам мавжуд. Унинг ҳаётлик даврида ёзган асарлари рўйхатида киритилган XVI асрга тегишли 11 та манускрипт тарих қизиқувчиларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Унда етук хатотлик санъатини, миниатюра-ларни, бадий безатилган муқовани кўриш мумкин. XIX асрга тегишли рўйхатга асосан билимли ўқувчиларга мўлжалланган кўлэма нусхалари киритилган. Улар ўзларининг чиройли нақшлари билан киши эътиборини тортади. Шу қаторда Камалиддин Бехзод томонидан ишланган миниатюралар ҳам доим қизиқиларимизга сабаб бўлган.

Бинони тарқ этар эканмиз, илк бор хаёлимга бир фикр келди ва бу мени чин маънода ғурурлантирди. Биргина аждодимиз, илохий муҳаббатга йўрилган асарлар муаллифи Навоийнинг ёзганини асрлар давомида нафақат халқимиз, балки бутун дунё олимлари ўрганаётгани, ўрганиб тугата олмаётгани, янги қарашлар, фикрлар тугилишида, фаласа бойишда давом этаётгани ҳақиқатдан ҳам бекиёс фахр эди.

НИҲОЯТ, ЭРМИТАЖДАМИЗ – ЖАҲОН ТАРИХИ МУЗЕЙИГА САЁҲАТ

Нева дарёси соҳилларида яна бир жаҳонга машҳур маскан бор. Россия давлат Эрмитажи. Унга 1764 йил Екатерина II томонидан асос солинган. Маълумотларга кўра, Берлиндан келтирилган голланд ва фламанд мактаблари рассомларининг асарлари кўра бунёд этилган. Мазкур музей Санкт-Петербургдаги бадий ва маданий тарихий маскан саналади ва жаҳондаги энг йирик музейлардан саналади. Саройда йирик шахсий тўпламлар, хусусан, гравюра, расмлар тўпламлари, қадимий давр ёдгорликлари, Ғарбий Европа амалий безак санъати, глиптика, танга ва медаллар, китоблар каби уч миллиондан ортиқ экспонат бор.

Ноёб осори-атиқалар жой олгани боис авваллари Эрмитажга томошабинлар қўйилиши чекланган, экскурсияларга рухсат берилмаган. 1917 йил Октябрь тўнтарышидан сўнг Строгоновлар, Юсуповлар, Шуваловлар ва бошқалар рус меценат ва бойларининг мусодара қилинган тўпламлари Эрмитажга ўтказилган. Қишки сарой аста-секин Эрмитажга бутунлай топширилган. 2-жаҳон уруши йиллари Эрмитаж тўпламининг бир қисми эвакуация қилинган, лекин Эрмитаж камал пайтида ҳам ўз фаолиятини тўхтатмаган.

Делегациямиз ана шундай тарихнинг сирли хилқатларини ўзида мужассам этган манзилга орқа эшиқдан, яъни хизмат эшиги орқали кириб борди. Деярли барчанинг қўлида телефон аппарати. Кимдир расмга, яна кимдир тасвирга олиш билан банд. Ҳайкалтарошликнинг юксак намуналари, деворлари-ю шифт қисмига рассомчилик санъати дурдоналари акс эттирилган бино эртаклар оламига бошлагандек бўлади. Ўша даврдаги халқнинг маънавий дунёсини акс эттирган иморатда ўзбек ва рус тилидаги Навоий ғазаллари янгради.

Қадимий Ҳирот ва ундаги ҳаёт ҳақида рус тилида қилинган маъруза, Навоий асарларининг яратилиши, унинг устида олиб борилган илмий излаш ва бугун ҳам давом этаётган тадқиқотлар. Буларнинг барчаси ҳақида бир соат атрофида мулоқот борди.

ШЕЪРИЯТ ЯШАЙДИ ВА ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИ

Ўша қамал остида ўтказилган бадий кечада таниқли фан ва маданият арбоблари — академик Орбели ва профессор Бертолс, Борис Пиотровский, Всеволод Рождественский, Николай Лебедев каби ўнлаб олимлар, Навоийшунослар қатнашганини ҳам алоҳида қайд этилди. Ҳаттоки, унда нутқлардан иқтибослар келтирилди.

Академик Орбели: "Биз албатта, ғалаба қозонамиз, сўнгра юбилейни улғувор ва тантанали равишда нишонлаймиз. Умид қиламанки, немис тўплари жўрлигида ўтаётган ушбу учрашув барчанинг хотирасида қолади. Нима бўлганда ҳам, шеърият яшайди ва ғалаба қозонади. Келинг, унинг жозибали дунёсига шўнғиймиз..." дегани таъкидланди.

Давлат Эрмитаж директори Михаил Пиотровский ўзбек миллий зар чопонлари-ю, дўпписида бир муддат ҳамюртимизга айланган. Тадбирнинг аҳамиятига тўхталган Пиотровский у икки мамлакат ўртасидаги илмий алоқалар, жумладан Шарқ кўлэмаларини тадқиқ этишдаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Эрмитаж сахнасида бошловчилар. Улар Навоийнинг рус тилидаги ғазалларини мароқ билан ўқиб, йирилганлар эса диққат билан тинглар эди. Бир неча дақиқалардан сўнг шоир ғазалларида басталанган ашулаларга навбат берилди. Энди эса саҳнада барчамизга таниш ва сеvimли овоз соҳибаси Ўзбекистон Қаҳрамони Муножот Йўлчиева. "Муножот", "Ушшок", "Мубтало бўлдим санго" дастурдан ўрин олган тўплам. Уларнинг ижроси тугади. Залда норозилик кайфияти. Рус қўшнилариимиз яна ва яна тинглашни исташини яшириб ўтирмади. Режадан ташқари яна бир асар "Таронаи бод" куйланди. Давомли қарсақлар чалинди. Шу тарика яна бир соатдан ортиқ вақт ўтди. Тадбирлар, учрашувлар, саёҳатларга бой бўлган кун ниҳоясига етди.

ШАҲАРДА РЕКЛАМА БАННЕРЛАРИ ЙЎҚ ЭКАН...

Шу ўринда, журналист сифатида, эътиборимни тортган жиҳатлар билан ўртоқлашам. Шаҳарга кириб-қоч, ҳеч бир кўчада реклама мониторлари у ёқда турсин, ҳаттоки, бирор-бир баннер йўқлигидан ажабландим. Ҳай-довчиларнинг диққатини бўлалардан ортиқча нур ва ҳеч қандай эълон кўрмайсиз. Айрим жойлардагина йўлнинг пиёдалар учун ажратилган қисмида, асосий йўлдан анча ичкарида кичик ҳажмдаги рекламалар учраб туради.

Йирик кўчаларда деярли бир хил балантлиқдаги иморатлар қад ростлаган. Авто транспорт бошқараётган кишилар қанчалар тирбандлик бўлмасин, на бир "сигнал" чалади, на ўз йўлагидан бошқа йўлга тикилишга уринади. Тартиб билан, маданият билан ўз йўлида давом этади. Балким шу сабабли тирбандликлар узоққа чўзилмайди. Барча ўзаро ҳурмат билан ҳаракатланади. Лекин шаҳар марказида транспортлар учун тураргоҳлар бироқ муаммо бўлгани боис, худди ўзимиздаги сингари йўл четлари автомобиллар билан тўла. Бироқ бу ҳаракатга асло ҳалал бермайди.

Ҳар бир бинода тарихий ва миллий арнаментлар ўрин олган. Европа кўчаларини ёдга солувчи манзилларда архитектура ва дизайн бир-бирини тўлдирди. Ҳеч кимнинг баланд овози ёки ортиқча шовқин эшитилмади. Пиёдалар фақатгина ўзлари учун ажратилган ўтиш жойлари ва йўлаклардан фойдаланиши ҳам аҳамиятли. Биргина мисол. Кутубхонага борганимизда, микроавтобусимиз унинг қарма-қарши томонида тўхтади. Лекин биз 100 метрча ортага қайтиб ер ости ўтиш жойидан бинога қараб йўл олдик. Ваҳоланки, йўлнинг икки тарафини ажратиб туривчи панжаралар ҳам йўқ эди.

Асосийси, жуда ҳам сокин, тинч ва маданият уфуриб турган шаҳардан кўп нарса ўрганиш мумкин, деган хулосага келдик.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" махсус муҳбири.
Тошкент – Санкт-Петербург — Тошкент.

15-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№50 (32692)

«ЙЎҚЛАМАЙ ҚЎЙСАНГИЗ ЗАРДОБ ЮТАМАН...»

Навойи вилоятининг Хатирчи туманида бундан бир неча ўн йиллар аввал узоқ кутилган фарзанд дунёга келади. 9 боласини тупроққа берган ота-она ўнинчисидан ҳам ажралиб қолишдан қаттиқ хавотирга тушади. Шу сабабли илм аҳлидан дилбанди учун дуо қилишларини, умр сўрашларини истаб боришади. Бу сафар жуфтликнинг дуолари ижобат бўлади. Қизлари Бибисора ҳаётда қолади. Уларнинг ёлғиз қувончига айланади. Бироқ бу узоққа чўзилмайди. Оиланинг яна бир вакили бу ёруғ оламни тарк этади. Бибисора Туробова онаси ҳаётдан кўз юмганида 5 ёшда эди. Ёлғиз жигарбандининг бахту камолини ўйлаган отаси эса иккинчи марта уйланмайди. Афсуски, қизини вояга етказиш, турмушга узатиш каби орзу-хаёллар отага ҳам армон бўлиб қолади. Ҳам отаси, ҳам онасидан айрилган ёш қиз аммаларининг қўлида қолади. Уларнинг кўмагида ўқийди, оила қуради.

“Фарзандларга васият” номли ёки “Ўлсам, жанозамни булбул ўқисин” сатрлари билан бошланувчи шеър билан миллионлаб қалбларни затб этган эркин ижодкор Бибисора Туробова саҳифамиз меҳмони бўлди. Сухбатимиз давомида эътиборимизни торгани шуки, шоира деярли ҳар бир саволимизга тўртликлари билан жавобини мустаҳкамлади.

— Сухбатимизни одатий савол билан бошлаймиз. Қачон илк шеърингизни ёзгансиз ва бу борада асосий устозларингиз ким?

— Бошқаларга ўхшаб менинг ҳам илк шеърларим туман нашрларида чоп этилган. У вақтларда ҳамма ўз истаги билан китоб ўқир эди. Ҳеч ким мажбурламасди. Кутубхонада яхши асарлар талаш бўларди. Ўша кезларда Зулфиянинг шеърини китобини олиб, жуда кўпларини ёд олган эдим. Улардан таъсирланиб, жуда катта илҳом билан шоирага хат ёзганман. 16-17 ёшларда эдим. “Зулфия опа, сизнинг танланган асарларингиздаги ҳамма шеърларни ёд олдим. Энди эса сизга ўз асарларимни юборяпман”, деб 10 га яқин қўлёзма шеърларимдан юборганман. Сайланганини номи танланган асарлар бўлгани боис мен ҳам асарларим, деб ёзгандим. Ўша пайтда ҳатто шеър ҳам бўлмаган ёзганларимни асарлар, деб тасаввур қилганман-да.

Кунлардан бир кун директорини ва адабиёт ўқитувчимиз Ботирхон Наимов мени ёнларига чақирди. Зулфия опадан жавоб келган экан. Унда “Биз “асарлар”ингизни олдик, ўқидик. Бир “Саодат”га келиб кетинг”, дейилган эди ва асарлар сўзи қўштирноқ ичида ёзилган. Кўпроқ она ҳақида ёзгандим. Етимликда катта бўлганим учун уларнинг аксарияти ғамгин эди. Зулфия опа шуларни кўриб, шеърларимда дард борлигини таъкидлаган.

Техникумда ўқирдим. Дугонам Дилбар Саидова билан стипендиямизни олиб, катта ҳаяжонда биринчи марта Тошкентга келганимиз ўшанда. Зулфия опа билан илк учрашувдаёқ меҳрим тушган. Менга рағбат берган, қанот бўлган. Ёзганларимда дард борлиги, фақат техникасини ўрганишим кераклигини айтган. Кўпроқ китоб ўқишни, шеър ёдлашни тавсия қилган. Бу сўз бойлигимни оширишни, ана шунда сўз ва фикр излашга имкониятни тушунтирган. Менга рағбат сифатида 4-5 та шеъримни тузатиб, “Саодат” журналида бир бет қилиб чиқарганди. Шу тариха муносабатларимиз бошланиб кетган. Кейинчалик у киши менга нафақат устоз, балким сирдошим, энг яқиним, онамдек бўлиб қолди.

Эркин ижодкор сифатида 13 та китоб чиқаришга мушарраф бўлдим. Ўтган йили “Келин салом”, деган китобим чоп этилди. Бу йил эса “Мен излаган қувонч” номли сайлангани нашрдан чиқардик.

— Нималардан илҳомланасиз ва асосан қайси пайтда ижод қиласиз?

— Асосий шеърларим қишда ва баҳорда ёзилган. Негадир шу икки мавсумда кўп илҳом

келади. Агар келиб қолса, кузда ҳам ёзганман. Лекин ёзда шеър ёзолмайман.

Бу борада Зулфия опанинг бир гапи бор эди: “Қачон яхши шеър ёзилади, ҳаёт елканга битта яхшилаб мушт туширса ёки ҳаёт сени қувончдан кафтида кўтарса, ёзилади”. Менимча, опанинг бу гапларидан ўтиб жавоб қила олмасам керак, бу саволга.

— Мавзу танлайсизми ёки юрагингиз истаган мавзуда ижод қиласизми?

— Йўқ, ичимдан нима келса, шуни қоғозга тушираман. Шеър ҳақида шеърларим бор бир нечта. Масалан, “Бу шеър мени қилган девона, Ақлу ҳушдан этар бегона. Ҳаммасига розийдим аммо, Яқинларим ўзи бегона”. “Чарчадим қаламга сир айтиб, Бўлмайди одамга сир айтиб. Яхшиям қалам бор мен шўрликда, Ёзади умримни узайтиб”. “Шеър ёзганда изламайман сўз, Қўшолмайман на шакар, на туз, Ҳақдан дилга тўкилаверар, Оқ қоғозга экилаверар. Сўнг элники бўлиб кетади, Мен фақирда шу бахт этади”.

— Эркин ижодкорсиз. Лекин адабиёт ва шеърятни кузатиб боршингизга шубҳа йўқ. Кўпроқ кимларнинг асарларини ўқийсиз ва қадрлайсиз?

— Зулфиядан кўпроқ яхши кўрадиган шоирим бўлмаган. Лекин кўплаб ижодкорларни кузатиб бораман. Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Гулчехра Жўраеванинг ижодини хурмат қиламан ва қатор шеърларини ёд олганман. Муҳаммад Юсуф билан эса қадрдон эдик. Унинг ёзганларини яхши кўраман.

Насрий асарларни ҳам ўқийман. Ўзбек адабиётини яхши кўриб мутуалаа қиламан. Чунки ўқимаслик бу ўсишдан тўхташ, дегани мен учун. Зулфия опанинг яна бир гапини эсга олмоқчиман шу ўринда. У киши менга “Сен лирикани ўрганиш учун” “Ўтган кунлар”ни “ёд ол”, деб таъкидлаганди. Қўлимдан келганича шу асарни ёдлаганман.

— Ёзганларингиз орасида энг севимли шеърингиз қайси?

— Уларнинг ҳар бири фарзандимдек мен учун. Барчасини яхши кўраман. Лекин улар орасида энг севимлиси “Фарзандларга насиҳат” номли шеърим. Кўпчилик уни “Ўлсам, жанозамни булбул ўқисин”, деб билади.

**Ўлсам, жанозамни булбул ўқисин,
Куйиб ўтган умрим шарҳини айтсин.
Бардошим ҳақида ашъор тўқисин.
Мендан норозилар фикридан қайтсин...**

**Ўлсам кафанимни булутдан қилинг,
Ёмғирга айлансин ёнсам қабрда.
Қабримни қазсангиз сал кенгроқ олинг,
Гуноҳкор бандга тор гўр жабрда...**

Ўлсам, жанозамни булбул ўқисин...

— Шу шеърингизнинг туғилиши ҳақида айтиб берсангиз.

— Бу шеър 2011 йилда ёзилган. Ўша йили инсульт бўлиб қолгандим, бир томоним ишламай қолган. Ҳаёлимда “у ёққа” кетиб қоладигандек бўлганман. Кейин фарзандларга васият ёзгим келган, ўлсам ундок қилинлар, ўлсам бундок қилинлар, деб. Бу васиятни тўрт қатор, тўрт қатор қилиб ёздим. Кейин бу шеър ўзидан ўзи “Ўлсам, жанозамни булбул ўқисин” деган сарлавҳали шеър бўлиб кетди.

Дилбар Охуновага қўлёзмасини берганман. Муфтий ҳазратларига ҳам берганимда бу шеър ҳажларда ўқилган. Арофат тоғида “Субҳаналлоҳ” деган шеъримни муфтий ҳазратлари микрофонда ўқиганлар. 7 миллион одам дуо қилди, деб, менга сарпо қилиб келгандилар.

Шу шеър кейин халқнинг тилида “Фалончи ёзибди, ўзига ёздирибди, қабримнинг бошига дарахт экинлар дебди, тўртта стул ясатинлар дебди”, бўлиб кетди. Ваҳоланки, аслида “Ўлсам, чинор экин қабрим бошига, Токи, соясида тиловат ўқинг”, деб ёзганман. Менинг 4 фарзандим бўлгани учун уларга “Ўлсам, оёқ томон, ўнг томонимга, Тўрт киши сифарлик курси ясатинг”, деб насиҳат қилганман.

Бу шеърни Дилбар ўқиб юрарди, кейин Дилбарни кўрмадим. “Zamin FM”да ишларди. Бир кун онаси телефон қилди, улар марғилонлик экан. Онасига номеримни топиб берибди-да, Бибисора опага айтинг, бу шеърни ўзиники қилиб олсин, шеър жуда оммалашиб кетди, муаллифи бошқа бўлиб қоляпти, дебди.

Кейин Ислон Каримов вафот этган 2016 йили “Китоб дунёси” газетаси “Ўлсам, жанозамни булбул ўқисин” сарлавҳаси билан босиб чиқарди. “Дугоналар” журналига Ҳалима Худойбердиева ҳам чиқарди. Ҳалима опа “Фарзандларга насиҳат” деб чиқарди.

Газетага чиққандан кейин бир нечта таниқли шоирларимиздан Бибисора виждонини еб қўйибди, бошқанинг шеърини ўзининг номидан чиқарибди, деган эътирозлар бўлибди. Бир халқ шоираси “Китоб дунёси” тахририятига кўнгирак қилиб, уларга шикоят этган экан. Газета бош муҳаррири ижодий сафарда бўлгани сабабли у ерда ишлайдиганлар ваҳимага тушган. Бўлган воқеани ёзувчи Кўчқор Норқобилга айтишган. Шунда у қилиб, “бу шеър Бибисора опаники, агар Бибисора опанинг шеъри бўлмаганида, сен ҳам, мен ҳам, Бибисора опа ҳам уйда ўтирмасди”, деган экан.

— Ўтмишга қараб, нималардан хурсанд бўласиз ёки сизга армонга айланган ҳодиса борми?

— Болалигимни эсласам, кайфиятим кўтарилади. Мени дадам катта қилган. Ҳамиша елкаларида олиб юрарди. Бир гал оёғимни ари қақиб олганда, юролмадлигимни баҳона қилиб, мактабга бормайман, дедим. Шунда 10 ёшдан ошган қизни елкасига ўтқазиб, мактабга олиб борган. Сабаби яхши ўқийман, билим олишим шарт эди.

Дадам чавандоз бўлган. Ҳамиша турли мусобақаларга бирга борганмиз. Отига миндириб олиб, ўғил болалардек кечганидан айирмасди. Бироқ ҳаётим бир текис кечганидан аниқ. Акс ҳолда шеърларим фарқли бўларди.

**Менга ўзи нима келса, ботмон келади
Орзу қилсам, қўл ушлашиб армон келади.
Ташвишлардан энди халос бўлдим десам,
Бошинга қулайман, деб осмона келади.**

**Менга ўзи нима олсам, тор келади
Меҳмон келса ҳам, бирор дарди бор келади,
Ҳатто ёзда ёпичқисиз юролмайман
Саратонда учқунлиб қор келади.**

Онам раҳматлик оғир ҳасталикка чалинган. Бемор ҳолида тўшакда ётганда шу қизга бир тикув машинаси олиб берсам, қўлидан бир пиёла сув ичсам, армоним йўқ, деркан. Шу қадар кичик, майда нарса сўрайсизми онам, деб армон қиламан. Тўйларини, фарзандларини кўрсам, деб ният қилса, бўлмасиди, деб армон қиламан. Онамдан эрта айрилганим энг катта армонимга айланган. Шундан таъсирланиб, кейинчалик бир шеър ёзганман.

**ОНАМ ОЙЗОДА ИБРОҲИМ ҚИЗИ
ХОТИРАСИГА**

**Меҳрингизга ўраб-ўраб кетдингизми?
Умрим, бахтим сўраб-сўраб кетдингизми?
Мендан кейин не кечада аҳволи, деб
Орқангизга қараб-қараб кетдингизми?**

**Кўзим гирён, қараб қолдим орқангизда,
Ақлим ҳайрон қараб қолдим орқангизда.
Бор эканда гўр етимлик қисматимда,
Лолу зорон шўр етимлик қисматимда.**

**Она бўлди янгаларим, аммаларим,
Бирда йиғлаб, бирда қаргаб, бирда алқаб.
Орқангиздан сафар қилди ҳаммалари
Орқасига қарай-қарай сизга ўхшаб.**

**Мен ҳам шуда тўртта болам, набиралар
қолар йиғлаб,
Соғинганда гоҳ-гоҳ эсга олар йиғлаб.
Тақдир шудир келган кетар умрим яшаб,
Орқасига қарай-қарай сизга ўхшаб.**

**Орқасига қарай-қарай кетган онам,
Умрим, бахтим сўрай-сўрай кетган онам.**

— Бибисора Туробовани одамлар қандай ёдга олишини истайсиз? Қайсидир ишларингиз биланми ёки ўзига хос жиҳатларингиз биланми?

— Тўғриси айтсам, ҳар иккисини ҳам истардим. Чунки бу дунёда яхши ном қолдириш жуда муҳим саналади. 2000 йилда бошимга жуда ҳам ёмон кунлар тушди. Худога ёққан жиҳатим бор эканки, тирик юрибман, тилим бақувват, оёғим яхши юрмаса ҳам. Ёзганман. Ёзмай қолишдан қўрқаман. Шуларга беҳисоб шукр.

Куйдаги сатрлар истагимни кўрсатади. Лекин инсоннинг яхши ва ёмон томони бўлади. Қандай хотирлашлари, демек инсоннинг ўзига кўпроқ боғлиқ бўлади.

**Унтанинг бирйўдим шеър майдонда,
Аро йўлда қолдим еб қўйди войим.
Ўзиндан сўрайман шундай қил Танграм,
Кўнгилларда бўлсин, энг сўнги жойим.**

**Зилола Анвар қизи
сўхбатлашди.**



**ЧОРАК АСР –
ИНСОН
ҲИМОЯСИДА**

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ
ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА
25 ЙИЛ БЎЛДИ.
“ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ
ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ”
ЖУРНАЛИНИНГ 2021
ЙИЛДАГИ 4-СОНИ
АСОСАН УШБУ
ЮБИЛЕЙ САНАСИГА
БАҒИШЛАНГАН.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари М.Бачелет, Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ижроия директори М.Бут, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши раиси В.Фадеев, Хитойнинг Ўзбекистондаги элчиси Цзян Янь, К.Аденаур номидаги жағфарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Р.Хайне Марказининг 25 йил давомида мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва асосий манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантиришга салмоқли ҳисса қўшиши билан бир қаторда ушбу йўналишда халқроқ миқёсда ҳам фаоллик кўрсатаётганлигини таъкидлаганлар.

**ОЛИМЛАР ВА
ҲУҚУҚШУНОСЛАРНИНГ
МАҚОЛАЛАРИДА
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШ ИСЛОХОТЛАР
САМАРАДОРЛИГИНИНГ
АСОСИЙ МЕЗОНИ ЭКАНЛИГИ,
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, ГЕНДЕР
ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ,
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШДАГИ РОЛИ ВА
БОШҚА МАВЗУЛАРДАГИ
ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРИ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН.**


Журналда мамлакатимиз Конституциясининг 29 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси адлия вазирини Р.Давлетов, Тошкент молия институтининг профессори Т.Норбоевларнинг мақолаларида Асосий қонунимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати эканлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устувор аҳамиятга эгаллиги илмий асосда таҳлил қилинган.

Шунингдек, журналда “Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари”, “Халқроқ ҳуқуқ ва Ўзбекистон таърихи”, “Жамият ва ҳуқуқ”, “Тарих саҳифаларида” руқнари остида берилган олимлар ва ҳуқуқшуносларнинг мақолаларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ислохотлар самарадорлигининг асосий мезони эканлиги, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, гендер тенглигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашдаги роли ва бошқа мавзулардаги илмий мақолалари эълон қилинган.

Ўз муҳбиримиз.

Изланиш, интилиш ва албатта, меҳнат бўлмаса
натижага эришиш қийин.

ТАДБИРКОР АЁЛ — БАХТЛИ АЁЛ



Хабарингиз бор, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида юртимизда опа-сингилларимизга янада кўпроқ эътибор қаратилиб, уларнинг оилада, жамият ҳаётида ўз ўринларини топиши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Дарҳақиқат, аёлга ҳар қанча ҳурмат-эҳтиром кўрсатсак арзийди. Чунки, улар эртанги кунимиз давомчилари бўлиб, улар бор жойда саранжом-сарихталик, файзу тароват, меҳр-муҳаббат ўзгача бўлади. Аёл авваламбор она, қолаверса, оила деб аталмиш муқаддас кўрганнинг фариштаси, жамият устун, ҳаётимиз файзидир.

Орамизда шундай аёллар борки, улар ўзларининг интилишлари, ғайрати ва шижоати, билими ва тажрибаси билан оилада ҳам, ишда ҳам ўз ўринларини топиб, оиласи билан бирга элу юртга ҳам нафи тегмоқда. Пойтахтимиздаги 151-сонли қурилиш-монтаж корхонасининг маркетинг бўлими менежери Мавлуда Абдукаримова ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатида раҳбар ҳам бўлиб ишлайдиган опанинг фаолияти чиндан ҳам эътирофга лойиқ. Нафақат ўзи ишлаётган корхона раҳбарияти, балки Сергели тумани ҳокимиятидагилар, маҳалла фаоллари, ҳамкасбларидан илиқ фикрларни эшитиб, бунга ишонч ҳосил қилдик.

Қаҳрамонимиз Сергели туманидаги "Чортоқ" маҳалласида оддий оилада туғилган буюга етган. 1970 йилда мактабни тугатиб, тиббиёт техникумига ўқишга кирган. Табиатан изланувчан бўлган Мавлуда опа Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иқтисод йўналишига ҳужжат топшириб, талабалик бахтига муяссар бўлди. Ўзи қизиққан соҳани муваффақиятли тамомлагач, тиббиёт соҳасида ишлаб тажриба тўплади. Иқтисод бўйича олган билимлари асқотиб, кейинчалик тадбиркорлик бўйича ҳам яхши натижага эришди. "Тадбиркор аёл" уюшмасининг фаол аъзоларидан бири сифатида кўплаб тадбирларда, семинарларда иштирок этиб, ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан кўникмаларини бойитди. Тадбиркорларнинг иш тажрибаларини ўрганиб, қурилиш корхоналари раҳбар-ҳодимларидан маркетинг-менежер йўналиши бўйича кўп нарсаларни сўраб ўрганди. Ана шу жараёнда жуда кўплаб устозлар, ҳамкасблар орттириб ҳозирги кунда ўз касби-

нинг малакали фидойисига айланди.

— Қурилиш соҳаси мен учун бегона эмас, — дейди Мавлуда Абдукаримова. — Чунки отам Абдуваҳоб ота

томонидан берилган имконият ва шароитлар ишбилармонлик муҳитини яратишда катта ўрин тутмоқда. Буни опанинг ука-сингиллари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Оиладаги олти нафар фарзанднинг энг каттаси мен, — дейди у киши жилмайиб. — Мендан кейин Абдуманнон, сингилларим Мухаббатхон, Розахон, Жамилахон ва кичик укам Элмурод. Ҳозирда ҳаммамиз оилавий тадбиркорлик билан шуғулланамиз, яна бир эътиборли жиҳати ҳаммамиз отамизнинг изидан бориб

**ҚУРИЛИШ ҲАМ ХУДДИ
ТИББИЁТДЕК КАТТА
МАСЪУЛИЯТНИ, БИЛИМНИ,
ТАЖРИБАНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ.
АГАР ЎЗ КАСБИНИ ЧИН
ДИЛДАН СЕВСАНГ УЙИНГДА
ҲАМ БАРАКА БЎЛАДИ.**

узок йиллар қурилишда оддий ишчи бўлиб ишлаганлар. Ҳалол меҳнати билан рўзгор тебратиб, бизларни эл-юртга кўшди. Ҳозир 77 ёшни қарши олиб, кексалик гаштини сурмоқда. Онам Азейим ая 72 ёшда, қувур заводда ишчи бўлиб ишлаган. Яратганга шукр, ота-онам дуода бўлиб, ҳозирги кунга қадар камтарин, ҳалол, меҳнатқаш ва фидойи бўлишим учун доимо ўз маслаҳатларини, йўл-йўриқ кўрсатишларини аяшмайди. Бахтимизга бор бўлишин, ҳамisha мени тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлашади.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳозирда мамлакатимизда устувор вазифалардан бирига айланган. Сўхбатдошимизнинг айтишича, бу борада давлат

қурилиш соҳасининг ҳар хил йўналишларида фаолият олиб борамиз. Ота-онамиз 15 нафар неварани, 2 нафар чеvara билан биз, фарзандлар камолини кўриб шукроналикда ҳаёт кечираяпти. Бунинг учун Яратганга шукрлар бўлсин.

"Қариси бор уйнинг, париси бор", деганларидек ҳар кун дастурхон атрофида бизнинг, эл-юртнинг тинчлигини сўраб дуо қиладилар. Тинчлик бор жойда ҳаловат, барака, фаровонлик бўлади, деб кўп бора гапиришади. Юқорида айтганимдай, маслаҳатларини, ўғитларини беришади. Иккита соҳада ишласангиз ҳам оилангиз, фарзандларингиз, меҳрибонларингиз қўллаб турса иккаласига ҳам улгурар экансиз. Мен ишлаётган ҳар икки соҳа бир-бирига яқин

бўлгани учун ҳам гапнинг очиги, унчалик қийинчилик сезмайман. Лекин, изланиш, интилиш ва албатта, меҳнат бўлмаса натижага эришиш қийин.

Президентимиз шу йил 2 декабрь кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури ижросини самарали ташкил этиш, ипотека кредитлашни кенгайтириш ва қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан кўплаб вазифаларни белгилаб берди. Мавлуда опанинг айтишича, ушбу вазифалар ўзига ҳам жуда катта масъулият юклайди. Чунки фаолияти айна шу йўналиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, имкон даражасида бу хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшишни зиммасидаги бурч, деб ҳисоблайди.

— Инсон қачонки, ўзида масъулиятни сезиб иш қилса, албатта, яхши натижага эришади, — дейди опа. — Мақтанишга йўмангу, мен ҳар доим масъулиятни ҳис қилиб, билдирган ишонччи суиистеъмол қилмасликка ҳаракат қиламан. Қурилиш ҳам худди тиббиётдек катта масъулиятни, билимни, тажрибани талаб қилади. Агар ўз касбининг чин дилдан севсанг уйингда ҳам барака бўлади. Яратганга шукр, 25 йилдан буён турмуш ўртоғим Содиржон ака билан бахтли умр кечирмоқдамиз. Катта фарзандим Жасурбек Ўзбекистон темирйўллари институтининг иккинчи босқичида ўқийди, қизим Тахминабону ҳам тадбиркор бўлишни орзу қилади. Келажакда фарзандларимнинг ҳам эл-юртга ҳалол хизмат қиладиган олижаноб, фидойи инсонлар бўлишини ният қиламан.

Ҳар бир инсоннинг камолотида ота-онадан ташқари, устозларининг ҳам хизмати катта бўлади. Нафақат касб сирларини, балки ҳаётий тажрибаларини ҳам ўргатувчи, ҳамфикр бўладиган кўплаб яхши инсонларни учратамиз. Не бахтки, Мавлуда опанинг ҳам Содиржон ака Яраметов ва Марям опа Ботиrowа сингари ана шундай устозлари бор.

— Бу инсонлардан жуда кўп нарсаларни ўргандим, — дейди опа. — Улардан ўрганганларимни шогирдларимга, ҳамкасбларимга ҳам ўргатиб бораёяман. Ишончимизда касбини жони-дилдан яхши кўрадиган инсонлар кўпчиликини ташкил қилади. 10 тага яқин уй-жойларни ва янги қуриляётган кўп қаватли уйларни ободонлаштириб, қўлдан келган барча хизматларни қиляётган ҳодимларимиздан чилангар-сантехник Ҳасан Убаевни, иш устаси Зоҳиджон Самировни, кўп йиллик тажрибага эга малакали мутахассис Марямхоним Басированинг номларини алоҳида тилга олмоқчиман. Ана шундай инсонларни ўзида жамлаган жамоамиз билан бизга ишонч билдирган юртдошларимизнинг хонадонларида қулай шароитларни яратаётганимиздан жуда хурсандимиз.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



НОСОЗ ВА ҚЎЛБОЛА ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИДАН ФЙДАЛАНМАНГ

Биз кундалик ҳаётимизни маиший техникаларсиз тасаввур қила олмаймиз. Деярли барча хонадонларда кондиционер, электр чойнак, чанпютич ва бошқа техникаларни кўриш мумкин. Ушбу маиший техникалар истеъмол қиляётган ток кучи хонадондан ўтган электр симларнинг кесимида мос келиши ҳамда қисқа туташув ортиқча юкланишдан ҳимояловчи автоматларда кўрсатилган максимал ток кучидан ошмаслиги лозим.

Агар уйда таъмирлаш ишлари олиб борилса ёки янги бино қурилса кўпинча мис симдан фойдаланилади. Лекин 30-40 йил аввал қурилган хонадонларда электр симлардан фойдаланган бўлиб, уларни

вақти-вақти билан текшириб туриш керак. Ортиқча юкланиш содир бўлганда электр симлар аввалига қизийди, сўнг унинг ҳимоя қобиғи эрий бошлайди. Ҳимоя қобиғи эриши натижасида қисқа туташув содир бўлиб, у ўзидан кучли иссиқлик ажратади. Агар электр симлар ёғоч конструкциялар ҳамда турли хил пластик қопламалар орасидан ва ёғоч устидан ўтган бўлса, ушбу материаллар ёниш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли ёнғин келиб чиқиши мумкин.

Электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш оқибатда республика ҳудудида ҳар йили ўртача 3500 га яқин ёнғин қайд этилиб, ўнлаб инсон ҳалок бўлмоқда, тан

жароҳати олмоқда.

Аҳолининг қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

• Очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш.

• Электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола электр ҳамда газ асбобларидан фойдаланмаслик.

Ўзингиз ва уйингизни ёнғиндан асрашингиз учун эҳтиёт бўлишингиз лозим.

Бобомурод СОБИРОВ,
Архив ва Халқ қабулхонаси
биноларида ЁХТТЭ бўлинмаси
мутахассиси, катта сержант.

ТАФСИЛОТ



**ҚЎФИРЧОҚ СУЯК,
СОЧ ТОЛАСИ,
ҚУРБАҚА ТЕРИСИ,
АРАБИЙ ЁЗУВ ВА
ЗАНЖИРЛАНГАН
ҚУЛФ – ЎН МИНГ
ДОЛЛАР?!**

Кўпчилигимиз кўрганмиз, кузатганмиз кўп қаватли уйлар атрофида, маҳаллаларда "Эски-туски нарса сотиб оламан", деб юрганларни учратганмиз. Очиғи, уларнинг шахси билан, мақсадлари билан қизиқмаганмиз. Ҳа энди, тирикчилик учун юришгандир, деган уй ўтган.

Қишнинг қировли кунларидан бири. Миробод тумани "Ёрқин" кўчасида юрган аёлга кўпчилик эътибор бермаган. Асли қашқадарёлик бўлган Нилуфар Матназарова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўша кун хонадонларда яшовчилардан агар эски нарсалар бор бўлса, сотиб олмоқчилигини айтган. Кўпчилиги, йўқ дея жавоб беришган. Чанқаганлиги боис Нилуфар бир хонадон эгасидан сув сўраган, ичиб бўлгач ҳовлига кирган.

— Ия, уйингиз "иссиқ-совуқ" қилинибди-ку, сизларни бахтсизлик кутаяпти, — деди у.

Нилуфар шундай, дея томорқа чегига ўтиб ерни қовлай бошлади. У ердан оқ матога тугунча қилиб ўралган кўфирчоқ суюқ, соч толаси, қурбақа териси, қоғозга ёзилган араб тилидаги ёзув ва қора рангли занжирланган қулфни олиб кўрсатди.

Уй эгаси анграйиб, саросимага тушиб қолди. Бу нимаси? Наҳотки, "иссиқ-совуқ".

Сожида Ярашова ҳайрон бўлиб бир қизига, бир бегона аёлга қаради. "Ким бундай қилган бўлиши мумкин? Агар бу аёл тўғри айтаётган бўлса нима бўлади? Энди нима қилиш керак?" Бир зумда унинг хаёлидан шу гаплар ўтди.

— Опа, — деди Нилуфар Матназарова пайт пойлаб. — "Қулф"ни очиб керак, бўлмаса оқибати оғир бўлади.

— Қандай қилсак очилади? — сўради Сожида ожиз ҳолда.

— Мен "йўли"ни биламан, агар айтганимни қилсангиз. Доллар берсангиз "иссиқ-совуқ"ни ўзим йўқ қиламан.

Довдираб қолган аёл бахтсизликнинг олдини олиш учун шу лаҳзаларда ҳамма нарсасга тайёр эди. У уйдан 3000 АҚШ долларини чиқариб бегона аёлга қандай қилиб тутқазганини билмай қолди.

— Бу кам. Агар бало-қазонинг олдини олмасангиз ҳаммаларингизнинг ҳаётингиз хавф остида турибди. Яна олиб чиқинг.

Сожида уйдан яна 7000 АҚШ долларини олиб унга берди. 10 минг АҚШ долларини қўлга киритган Нилуфар Матназарова қўлидаги матога ўралган қулфни очиб кўрсатди.

— Бу воқеани ҳеч кимга айтмангизлар. Ўзим икки ойлардан кейин хабар оламан....

Нилуфар ҳовлидан чиқиб кўздан ғойиб бўлди. Сожида бироздан кейин ўзига келиб, алданганлигини тушуниб етди. Шундан сўнг ИИБга хабар берди.

Алдаш ва ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг кўп миқдордаги мулкни қўлга киритишни мақсад қилган фирибгар ушланди. Суд унга нисбатан жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига иқроқлигини, қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини ҳисобга олди. Нилуфар Матназарова Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбли деб топилди, иш ҳақининг 10 фоизи миқдорини давлат даромад ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Шу ўринда кўнғилдан кечган бир гапни айтмасак бўлмайди. Дуч келган одамнинг гагига кириш, унинг алдовига ишониш қандай оқибатларга олиб келишини юқоридаги мисолдан ҳам билиш мумкин. Фирибгарлар тузоғига тушиб қолмаслик учун хушёр бўлишимиз, бўлмағур "иссиқ-совуқ"ларга ишонмайлик.

Шохдиёр ШЕРМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг судьяси.
Равшан ШОДИЕВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

"Ўзбекистон овози" газетаси тахририяти жамоаси газета Бош муҳаррири Тўлқин Тўрахоновга отаси

ТИЛОВ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" жамоаси банк марказий идораси ходими
Вячеслав РАМАЗАНОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

QUTLOVLAR

ТАБРИКЛАР!

15-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№50 (32692)

Хоразм вилояти

«ЖАНОН ҚІЛІСН»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

овод ва обод Ватанимиз тараққиёти йўлида
ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётган
барча ҳамюртларимизни

Янги — 2022 йил билан муборакбод этади!
Янги йил ҳаммамиз учун омадлар йили бўлсин,
азиз юртдошлар!



Хоразм вилояти

«ШАМС-СБ»

хусусий корхонаси жамоаси

халқимизни **Янги—2022** йил билан қутлайди!

Сизга ва яқинларингизга оилавий бахт,
сиҳат-саломатлик тилайди.

Ватанимиз равнақи, юртимиз ободлиги
йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда
омад ҳамisha ёр бўлсин!

O'zbekiston ovozi

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

MUASSIS:

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihidin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Tohtemir XUDOYQULOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1241. 14100 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —
Topshirilgan vaqti — 20:00.

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига
ўтиш учун QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI